



ТУРКИСТОН

Туркистон бир, ватан бир

1994 йил 26 февраль • Шанба № 16 (14177)

تورکستان

TURKISTAN


Сотувда эркин нархда

ЛИЛЛЕХАММЕР ОСМОНИДА — ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ!

НОРВЕГИЯДА ЭТАЕТГАН XVII ҚИШКИ ОЛИМПИАДАДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЛИНА ЧЕРЯЗОВА ФРИСТАЙЛ БУЙИЧА ЭНГ ЯХШИ НАТИЖА КЎРСАТИВ, ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ УНВОНИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

БУ ВОҒЕА Ўзбекистон спорт тарихида энг ёрқин саналардан бўлиб қолади. Жаҳонда фристайл «маликиси» деб тан олинган тошкентлик Лина Черязова мустайдил Ўзбекистон учун Олимпиада ўйинларида медаллар ҳисобини олтин медал билан очиб берди! Бу хушхабар 24 февраль кунин бутун дунё бўйлаб тарқалганда, шу воқеа шарофига давлатимиз байроғи осмонга кўтарилди, мадҳиямиз янграганда, мамлакатимиз спорт мухлисларининг нақадар қувонганларини қузатдик.

Лина Черязованинг номи сўнги икки-уч йил ичда барчамизга яхши таниш бўлиб қолди. У Халқаро тонфадаги спорт устаси, жаҳон чемпиони ва жаҳон Кубогининг эгаси эди, мана энди Олимпиада ўйинлари чемпиони ҳам бўлди. Кеча, 25 февраль кунин Черязованинг Лиллехаммердаги галабаси ҳақида мутахасссларнинг фикрлари билан қизиб, Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитасига бордик. Омадиннинг қаррагини, чемпионнинг отаси Анатолий Николаевич Черязов ҳам шу ерда экан. Биз у кишини чин дилдан табриқлаб, минглаб муқтарийларимиз номини



(Давоми 4-бетда).



«Тадбиркор-94» ДАСТУРХОНИМИЗ ЯНАДА ТЎКИН БЎЛАДИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА БЎЛИБ УТГАН ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИДА ШУНДАЙ ФИКРГА КЕЛИНДИ.

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ОЛГА ЮРИШДАН, ИСЛОХОТНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИШДАН ЭЗГА ЙЎЛ ЙЎҚ. БУНИ КАТТАЮ-КИЧИК — ҲАММАМИЗ АНГЛАБ ОЛИШИМИЗ ЛОЗИМ. И. ҚАРИМОВ.

АНДИЖОН. (Ўз мухбирининг телефон орқали олинди).

Уч кундан буён Андижон вилоятида ўтаётган республика тадбиркорларининг илмий-амалий анжумани ўз иштини аяқлади. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Республика вилоятлари ва Тошкент шаҳридан юздан ошқ тадбиркор иштирок этди. Улар фермерлик, ишлаб чиқариш соҳалари, майда хунармандчи-

лик, ҳамда банк тизимининг йўналишлари бўйича тажриба алмашишди. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқидаги: «Биз ишлаб чиқариш унумдорлигини ўстириш, иш жараёнини самарасини ва пировард натижаларини жадаллаштириш мақсадида кўп муаммо ва масалаларга танқидий кўз билан қарашимиз лозим, деган фикрларга қўшилган ҳолда иш

олиб бордилар. Андижон вилоятининг Пахтабод, Олтинкўл туманларида олиб борилётган тадбиркорлик ишлари билан танишдилар Андижондаги «Малика» савдо-ишлаб чиқариш мажмуида, «Андижонбанк» акционерлик тижорат банкида бўлдилар шунингдек, вилоят марказидagi хунармандчилик тарихий-этнографик растансини, Бобур уй-музейини, шириннинг 510 йиллигига бағишланган Андижоннинг «Боғишомил» дам

олиш масканида барпо этилган боғи Бобур тарихий-маданий мажмуини бориб кўрдилар. Анжуман ёпилишида бағишланган йиғилишида Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Алишер Тешабоев қатнашиши ва нутқ сўзлади.

Ҳамидулло ҲАЛИЛОВ, Андижон шаҳар ҳокими: — Авваломбор шуни айтиш керакки, республика миқёсидаги мазкур тадбирнинг шахримизда ўтганлиги бизга катта масъулият юклатмоқда. Адашмасам, бундай учрашув мамлакатимизда биринчи бор ўтказилди. Шу боисдан ҳам биз унинг кўнгилли ўтиши учун барча имкониятларимизни сафарбар этдик. Ваҳоланки, ҳаммаша биринчилар тамал тошини қўйганлар. Назаримда келажакда унинг ривож топиши ҳам бугунги тадбирнинг қандай ўтганига боғлиқ. Шаҳримизни тадбиркорлар макони дегим келди. Бу ерда машҳур ана-ука Иброҳимовлар ва бошқа бир қанча ишбилармонлар фаолият

кўрсатади. Улар сони 1,5 мингдан ошади. Анжуман арафасида тадбиркорлар билан очқин мулоқот ўтказдик. Уларнинг ўй-фикрларига қўлоқ тутдик. Режалари билан танишдик. Тадбиркорлик — бу рақобат. Аммо, воситачилик мутахассслик эмас. Мени тадбиркорларнинг воситачилик билан шуғулланаётгани безовта қилади. Тадбиркорликнинг Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланиши кўнгилдаги улғу ишлардан бири бўлди. Энди уларда дадиллик, ишонч бори. Халқнинг фаровон яшашига тадбиркорликнинг роли беқиёс.



ЧЎЛДАГИ ЕШЛАР УЧУН...

Кейинги йилларда жумҳуриятимизда турли ўқув даргоҳлари, — лицейлар, коллежлар қўллаб очила бошлади. Буларнинг ҳаммаси ешларимиз келажакни, қолаверса, давлатимиз рақобатини кўзлаб амалга оширишда. Яқинда Жиззах вилояти Арнасой туманида 2-сон ешлар ва ўсмирлар кечки мактаби қўшида Тарбиячи педагоглар ва механикаторлар тайёрлайдиган курс ташкил этилди. Курсга тажрибали педагог Тоғлибий Жангиров раҳбарлик қилмоқда.

«Ешларимизни билим олиши учун барча шарт шартлар яратилган, — дейди Тоғлибий ака. — Бундан буён ўқувчиларимиз касб ўрганиш учун турли марказ жойларга қатнаб юрмайдилар. Балки, ўзимизда мутахасссликнинг барча сир асоратларини ўрганишди. Машгулотларда Ш. Эрнарзорова, З. Мусурмонова, Н. Усмонова, Ш. Пулатова каби талаба қизлар билим-донликлари билан бошқаларга ибрат бўлмоқдалар.

Эркин МАВЛОНОВ, ТОМ УСТИНИ ҚАМИШ БИЛАН Ешиш илгаридан қолган одат. Бухоронинг Қизилтепа, Томди, Қонимех туманларидан майдон, арча бўйларига ўсан ёввойи қамиш бўйилдан эътиборан ўзарда сотилади. Чунки, янги иморат барпо қилганлар ҳамда молхона, товуқхона қурган жамоа хўжалиқлари том устини ешиш учун намишни харид қилдилар. Ҳатто, чўл шароитида деҳқончилик билан шуғулланадиганлар чайларини ҳам шу бамқушимон ўсимлик билан ёшадилар. (Ўз мухбиримиз).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

О. У. САЛИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Оқил Умурақович Салимов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. ҚАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ж. А. АБДУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Жўра Абдуллаевич Абдуллаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. ҚАРИМОВ.

ЮБИЛЕГА БАҒИШЛА

Нишон қишлоқ хўжалиги техникумида талабаларнинг ёзуви ва шoirлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Нишон туман ҳокимлиги Қашқадарь вилоятининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган бу учрашунинг ташкилотчилари бўлиди. «Насоф» напшрётининг муҳаррирлари С. Соқий, Т. Ўллаев, Ўзбекистон Ёзувчилари Уюшмаси вилоят бўлимининг С. Ашурова ва бошқа ижодкорлар ўзларининг она-Ватан, мустақиллик, Қашқадарь ҳақидаги шеърларидан ўқиб беришди. Савд МЕЙЛИЕВ.

САМИМИЙ ТИЛАКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жаноби олийлари! Муборак рамазон оий муносабати билан менга йўллаган табригингиз учун Сизга ташаккур билдираман.

Афғонистон мусулмонлари ва шахсан ўз номиндан Сизни, жаноби олийлари, Ўзбекистон Республикасининг барча мусулмонларини муборак рамазон оий билан табриқлайман. Ишонаманки, ушбу муборак кунлар Ўзбекистон халқига бахт-саодат келтиради. Сизнинг соғлигингиз ва бахт-иқболингизни, Ўзбекистон халқининг фаровонлигини сўраб Оллоҳга илтижо қиламан.

Самимий ҳурмат билан, профессор Бурқониддин РАВБОНИЙ, Афғонистон Ислоҳ давлатининг Президенти, Кобул.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан самимий табригингиз учун Сизга чин дилдан ташаккур билдираман. Янги йил Сизга ҳам бахт ва хотиржамлик бахш этсин.

Дўстлик тилаги билан Гельмут КОЛЬ, Германия Федератив Республикасининг Федераль канцлери Бонн.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йилда энг яхши тилаклар билдираман. СУХАРТО, Индонезия Президенти ва СуХАРТО ҳокими Жакарта

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил билан табриқлайман ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман. Япония императори номидан АКИХИТО, Токио.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг Қарори

ХАЛҚ ИСТЕМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТУҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, кичик корхоналар, айниқса, қишлоқ жойларда шундай корхоналар барпо этишини рағбатлантириш, шунингдек, тақчил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни қўлайитириш ва ташкил этишдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш ҳамда истеъмол бозорини шундай моллар билан тўлдирish мақсадида Вазирилар Маҳкамаси қарор қилди:

1. 1994 йилнинг 1 январидан шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида янги барпо этилаётган (жумладан, 1994 йилнинг 1 январига таъин қилинган) ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариб, уни қайта ишлайдиган ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар, ёрдам-

чи ишлаб чиқариш ва хунармандчилик корхоналари учун барча турдаги солиқлар ва бюджетга тўловларнинг амалдаги миқдорлари уч йил муддатга 50 фоиз камайтирилсин.

2. Белгиланган қўйилсинки, мулкчилик шаклидан қай би назар, халқ истеъмоли қиладиган гоит тақчил озиқ-овқат ва ноозиқ овқат маҳсулотлари (спиртли, спиртсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотидан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ташкилотлар даромад солигини амалдаги миқдорга нисбатан 30 фоиз камайтирилган миқдор бўйича тўлайдилар.

3. Корхоналарнинг: иловага мувофиқ қундалик эҳтиёж маҳсулотларининг физик ҳажмларини ўстиришдан олган даромадлари солиқдан озод этилсин.

4. Мулкчилик шаклидан қай би назар (спиртли, спиртсиз ичимликлар, заргарлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар бундан истисно) акция солигининг бир қисми корхоналар ихтиёрида қолдирилиб, ана шу маблағлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга сарфлансин.

Ўзбекистон Республикасининг молия вазирига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда акция солиғи миқдорларини белгилаш ва қайта кўриб чиқиш ҳамда корхоналар ихтиёрида қолдирилган улушнинг белгилаш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Молия вазирига билан келишган ҳолда солиқ олдида мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар муносабати билан бюджетга тўловлар бўйича корхоналар ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоблар тартибини ишлаб чиқсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари — молия вазири ўртоқ Б. С. Ҳамидов зиммасига юклатилсин.

Вазирилар Маҳкамасининг Раиси Тошкент шаҳри, 1994 йил 24 февраль. И. ҚАРИМОВ.

Вазирилар Маҳкамасининг Қарорига илова

РЕСПУБЛИКА КОРХОНАЛАРИДА УЗЛАШТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЧОҒИДА ИМТИЕЗЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИГАН ЭНГ ЗАРУР ВА ХАРИДОРГИР МОЛЛАР РЎЯХАТИ

Энг оддий рўзгор ва хўжалик моллари Бог-полиэ асбоблари ва анжомлари Қўлф-ҳалқа буюмлари Рўзгор асбоблари Кимё-бўёқчилик моллари Мўйқалам-чўтка буюмлари, жумладан, ўқувчилар учун мўлжалланганлари Идоравий моллар Мактаб анжомлари ва усқуналари Болалар ўйинчоқлари, қўғирчоқлар ва арча безаклари Болалар техника ижодкорлиги буюмлари Езув қозғозлари Электр-иситиш асбоблари ва буюмлари Электр усқуналари Электр-рўзгор асбоби

Шахсий гигиена учун энг зарур атторлик моллари Атторлик ёрдамчи ашёлари Хотин-қизлар буюмлари Халқ бадийи хунармандчилик буюмлари Рўзгор эҳтиёжлари учун сантехника буюмлари Металл буюмлар, шуруп ва михлар, бошқа маҳкамлаш буюмлари Рўзгор сув иситкичлари, иситиш асбоблари ва радиаторлар Маҳаллий хомашё ва ёғочсозлик чиқиндиларидан тайёрланадиган тахта ЭСЛАТМА: юқорида кўрсатилган молларнинг кенг турларини «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси ва «Ўзбек-бирлашув» Молия вазирига ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда белгилайди.

Янги уй беришди менга

- ОЙНИНГ УН БЕШИ ЕРУҒ!
- «СЕВИНМАЙ БУЛАДИМИ, АХИР!»
- БЕШ ҚАВАТЛИ МУХТАШАМ...
- «УЧ ХОНАЛИ ХУРСАНДМАН! ГАП ЙЎҚ!»
- «ИШОНГИМ КЕЛМАЯПТИ!»

Бошқа жойда билмадим-у, Бутун бошли Фарғонадек лекин Фарғонада юртбошимизнинг ижодкор ешларни уй-жой билан таъминлаш туғрисида қилган Фармони бағоят хурсандчилик билан қарши олинган эди...

дий ходимлар вилоятнинг олис-яқин қишлоқларидан. Саратоннинг жазираси, қаҳратон қишининг изгиринлари, бир сўз билан айтганда, йўл азоби уларнинг кўнглидагидек меҳнат қилишларига сезиларли таъсирини кўрсатаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Узининг бетакдор сатрлари, нафис чизгилари ва ноёб истеъдолари билан халққа танилиб қолган ешларнинг ижараман-ижара юришларига қўччилик тўғрисида, албатта, «Ойнинг ун беши қоронғу...» дейишади. Шу гапда-гапда, экин жункиктирган, нафисламбирини айтганда, жон бор экан. Ойнинг ёруғ кунлари фарғоналик еш ижодкорларга ҳам nasib этди. Ниҳоят! Шаҳарнинг кун чиқиш томонида бундан ош ой олдин бошланган каттагина қурилиш ниҳонсига етди. Беш қаватли мухташам турар-жой биноси қуриб битказилди. Яқинда ана шу иморатни

САМИМИЙ ТИЛАКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мусулмон халқлари учун муқаддас Рамазон ойда Сиз жаноби олийларига самимий табриқларини йўллаган эканман, Оллоҳ таолодан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст ўзбек халқига тараққиёт, фаровонлик ва равақ ато этишини сўрайман.

Биродарингиз Мухаммад Ҳусни МУБОРАК, Миср Араб Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРОДАРИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ас-салому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху. Рамазон шариф бошлангани муносабати билан Сиз жаноб олийларига самимий қўтловларини йўллашдан мамнунман.

Рамазон оий эзгулиги ва фаровонлик билан бошланиб, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош халққа ва Ислоҳ миллатимизга барқарорлик, равақ келтирсин, деб Оллоҳ таолодан илтижо қиламан.

Икки муқаддас жой муҳофизати Фахд бин Абдул Азиз ал САУД, Саудия Арабистони подшоҳи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРОДАРИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ас-салому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху. Рамазон шариф бошлангани муносабати билан Сиз жаноб олийларига самимий қўтловларини йўллашдан мамнунман.

Рамазон шариф оий эзгулиги ва фаровонлик билан бошланиб, барча аҳли мўминга тинчлик ва қувонч бағишласин, деб Оллоҳ таолодан илтижо қиламан. Сиз жаноби олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман.

Абдулла бин Абдул Азиз ал САУД, Вазирилар Кенгаши Раисининг муовини, миллий гвардия бошлиғи.

Президент фармонлари-амалда

эртанги кунимизнинг чинакам эғадари — Ешлар ҳақида гап-сўз қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкиллади. Адиб ва шoir Йўлдош Сулаймон, таниқли хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Жа-лолхон Оқуновлар ижодкор ёшларнинг қувончига шерик бўлишди.

«Вилоят ҳокими Фарғона ижодкор ешлар Уйининг раҳбари Абдухалил Раҳимовга янги уйларнинг рамзий қалитини тоширди. (Давоми 2-бетда).

Шеърят

Инобат ОДИН

Аёлларнинг ишлаш-ишламасликлари ҳақида турли-туман гап-сузлар юрди...

Дилм— сочилмаган хазонлар фасли

Мен аёл кўнглида кемтик бўлишни кечиролмайман. Умр йўлдоши забардаст бўлган Аёлнинг кўнгли ҳамisha бутун бўлади.



Менинг титраб турган япроқдек кўнглим ва айтар сўзимдан бўлак ҳеч қандай давлатим йўқ. Ахир... сўрмай келган дардни эгасига қандай етказаман...

Хайлчан нигоҳим, яширгим Сел бўлиб тиммаган ёшми Е худо! Сабримни оширгим, Ташдан қил, шу азиз бошимни.

Сукунат

Сукунат ҳовлида йнглайдим, Алдайди ўзимни гумонлар. Тўшимда хушимни тнглайдим, Мен ёмон кўрмаган ёмонлар...

Уйламан: адашиб кирдим бу йўлга, Изимдан қадрим мўлтирар асли. Гарчанд тонг отса ҳам чироқли чўлга, Дилм-сочилмаган хазонлар фасли.

Узундан узоқ тун хушласам ҳечам, Бир чимдим уйқуни юлиб олиб бери! Хавотир даштда тик турган кечам—

Кўйининг тош тўлди, чирогингни ёқ, Ҳаммага ўшган дунёнг йўқ сенинг. Боридан умидин узган кечалар, Тўш десанг, тўшларга айланмади сўз.

ТРОЛЛЕЙБУС бекатидан ётоқхона эшигигача уч юз қадам.

Уч юз қадам эзтиб, Эшик ортиндан қарсиллаб ёнилади... Бирок ҳали бошингни кўтаришга эрта, энг даҳшатли лаҳзалар ҳали олдинда: биланга қизил латта боғлаб олган эшикбор... Ёнидан ўтиб олинган, ўнган бурлиқнинг сўнгги йўлдаги туюладиган айналардан юриб-юриб учинчи қаватга чиқилган титраб-қаттирайётган кўларинг билан эшикни аранг очилган — шундан сўнггина вуқудингни мислсиз катта босим билан эзиб турган кўздан бироз кутулгандай ҳис қилишинг, ўзингни наравотга отиб, юзингни ёстиқча да буркаганча тўйиб-тўйиб йнглаб олиншинг мумкин. Аммо қисмат кўнунча шу муруватини ҳам да риге тутайди: ҳамхонанг Ҳалима ёнрон курсдоши ё «земляги» билан ўтирган бўлади. О, шунда кўз ёшларингни яшириб, мажбуран бўлсан ҳам жилмайиб улар билан бўлсан, бир шёла бўлса ҳам той ичиш, бир бурда бўлса ҳам нон ейиш, кейин чек-нароққа ўтиб олиб, илоҳия борича кўзга чалинмасликка ўриниб ўтириш, қўлингга илинган ёнрон журнал-газетанинг дуч келган саҳифасига маъносиз термултан кўйи, ора-сера ўзинга қараган хитобларга амаллаб қисқариб, жуълироқ жавоб қайтариб, йнлардек чўзиладиган бир-икки соатни игна устида ўтиргандай ўнлаш шун учун дўзах аозобларидан кура минг қаррабл оғирроқ қўнунингилни нахотики мен билмасам. Ёнидан ўнганга гаплитасига кўнун учун бораётгангад хуркан оқидек ҳазор қўқув-ҳадик билан ён-атрофининг жовдираб қараб, йнлардан дуч келиб қолганлардан Аролдан қўрққандай қўрқиб, иккунта шивирлаб турган шарпанга қўрсанг питирлаб турган юракчанг тўхтаб қолгудай бўлишини, оёқла-

ринг ердан узилмаётгандай, масофа эса даҳшатли даражада узайиб кетгандай туюлишини нахотики мен билмасам. Нахотики йннингиз Ҳалима эшитиб қолмаслигини учун тунги билан ёстиқ жилдини маҳкам тишлаб чиқилшинг, тонг саҳар дафтар-китобларингни сумкага солиб олиб, ётоқхонадан отилиб чиқиб кетишинг, ўқув биносигача икки соатлик йўлни атайлаб пнёртирган кунларингилни эшик эшик тақиллаб қолади. Қалдиб, шишиб кетган қобқорларингни жон холатда дастурмолчанга арта-арта, кўйла-тинг эстаги гижимларини текислаб асосида «Марҳамат...» демоқчи бўласан. Аммо бу сўз ўрнига қўнундан кетган томонингдан хириллаган овоз чиқади, холос. Қўйналиб ютinasан, ўз аҳволингдан ўзинг

бирида жон-жаҳди билан ошқор уринишларини илғаб қолган чоғларингда буларга аҳамият бермасликка, дарвор ёлдан чиқариб юборишга урингансан. Истагингга эришгансан ҳам, О, сен жами инсон эгидан фақат яхши фазилатлар қидришингни ва... топишингни, калф этишингни нахот мен билмасам... Қўбил бу тал бошқача: одми кийимда, ҳолқуни у башангликни ётирарди; маънос, бу маъносилги мотам даражасига етгудай. У салом ҳам бермайди, индамасдан бориб стулга омонатинга ўтирди, кўларини тиззалари устига кўйиб, бошини эгди. Шу алфозда у анича вақт қотиб қолади; сен ўрниндан туриб, дастурхон ёстиқга «намаоқтин» бўлганинда кўл ипораси билан тўхтатаяди.

Қандайдир кўнгилсизлик туйибми, безоватиланасан; қайқларгадир чиқиб кетгинг келайди. Сиз билан ҳайрлангани келди... ниҳоят садо чиқади ҳай-кадан! Сосқаниб кетасан. Бу — кураша-кураша охири ҳолдан тойган, сароб бўлиб чиқарган умидлардан ҳафсаласан ир бўлган, оқибат «пешонам ўзи шўр оқай» деб тақдирдан та берган банданинг видоси эди. — Энди мени кўрмайсиз... Энди мен сизни кўрмайман... Бундай яншага ортиқ тоқатин қолмади... Мен тамом бўлдим... Тўхтаб-тўхтаб, мунглиг эзтироб билан айтлаётган жумлалар... қайсибир қаҳрамоннинг қайсибир монолоғига ўхшаб кетса-да, сен уларнинг самимийлигига заррача шубҳа қилмайсан, сенинг сабий гудакниги сингари содда, боқира қалбингга бошқача ўй келиши мумкинмиди ахир?! — Сиз... тушунмадим... — дейсан лабларинг титраб. — Сизни ҳар кун... — Қўбил бошини кўтарайди, шунда унинг кўзларига гилт-гилт ёш тўлганини, овозининг ҳам қалтираётганини

Ўзгидан айтди сочилмаверайа! Назм, наер, маданият, тарих



ИЗЛАНИШ. Абдул Ғани ЖУМА сурати.

Ўзимиздан, ўзлигимиздан йироқмиз

Сал илгарироқ йўлим тушиб Навоий туман марказий кутубхонасига кирганим. Кутубхона ходимлари Алишер Навоий таваллудига бағишлаб ўтказилган тадбирга тайёрлик кўришгаётган экан. Асарлар кўргазмаси, деворий газета, шоир ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи альбомлар ва қисқиса ташкилий тайёрларлик жойида. Кутубхона директори ўринбосари Темура опа Саломова эмисан қандай гаёли ўқинчи, кимнинг қисси саҳна кўринишида қанақа ролни ижро этиши тўғрисида тўққинлаб гапирди. Илкис ҳаблимдан: «Нима учун аэизларимизни фақат

Юртим теракзорларинг қани?

Бийдай чўлда, Қирқ кўлоқ деган қудук бўйида кекса она икки ўғли билан яшар экан. Улар оталаридан хафа, отасидан мерос бўлиб қолган терак соясида ёнбоғ этиб, дардлашаркан: — Отамиз нодон ўтган эканлар да... от-улов, олтин қолдириб кетмайдиларми? Оламдан кўз юмар чоғларидан: «Болаларим, теракларни эхтиёт қилиб парвариш қилинглр, бу тераклар сизларга бахт келтиради» деганларига ҳайронман, ука, — деди, акеси. — Эй нимани айтасиз, бизнинг пешонамизга бой-бадавлат ота битмаган экан-да — деб ҳар кун оталаридан гина қилиб ўтиришаркан. ...Кунларнинг бирида юрт подшоси чўлда аёллари билан шудан то- келайтиб, кўзи тибж сезмаган дейсизми? Сезган, аммо бу масалани оқилона ҳал қилган. Узоққа бормайлик, ўзим тугилиб ўсган Дашти Файзиобод кишлоғи, ёғоч билан ўзини-ўзи қандай тасмин этганини сўзлай қолай. Махаллада бригадининг идораси. Енида 5 —10 гектарлик теракзор, 5—6 гектар тўтзор бўларди. Бир кун катта акам уй томини епадиган бўлди, ака-укалар, қавм-қариндошлар, кўни-кўшини биргалашиб теракзорга бордик. Бригадир акамнинг қўлидаги раис рухсатномасини ўқиб, ёш теракзорнинг олдидан қулоч узоқнинг буғдойдан ақши деб тайинлади. Сўнг кек-



Мирзапўлат Тошмураов — 70 йилларда адабиётга кириб келган ёзувчиларимиздан. Кейинги йилларда кино соҳасида ҳам самарали ишлар қилмоқда.

са кўшимиз ўтганлар руҳига тиловат қилди. Шундан кейин теракларни кевиб, уйга олиб келдик. Шохлари вассо (ўйниб тайёрланган тахта), майда шохлари ўтин бўлди. 6 та теракдан 17 донга болор чикди. Қузда теракзорга ўтган йилги ниҳолларни олиб бориб эқди. Кимки ёғоч оломқчи бўлса бир йил олдин ниҳол тайёрлаб қўярди. Уларни сугорардик. Бунини бироз назорат қилмасдик. Лекин одамлар ўз бурчларини онгли равишда адо этишарди. Тарихга назар ташласак, энг сифатли қоғозларни ҳам Самарқанд, Бухоро, Урганч каби шаҳарларда шу оқ тераклардан олишганлари ҳам аён бўлади-ку! Мана баҳор, экинчи тикши масуми экин лашмоқда. Ҳар бир фуқаро боласига атаб ўн-тадан терак, шунча мевали дарахлар экса, парвариш қилса, келажак авлод ёғоч ахтариш узоқ элларга сарсон бўлмасдиклар. Зеро, узоқнинг буғдойдан ақшининг сомони ахши, дейдилар. Мирзапўлат ТОШМУРАОВ.

Муҳокама учун мавзу

ЯНА КўРАГОН

ҲАҚИДА

Истиқлол шарофати билан соҳибқирон Амир Темура ҳаёти, босиб ўтган йўллари, авлодлари ҳақида кўп гапирилаяпти ва ёзилаяпти. Бобаклонимизга «Соҳибқирон» ва «Кўрагон» номлари берилган. Ҳаммага маълумки, соҳибқирон номи икки шарофатли сайёра — Зуҳра ва Муштарий самовий доирасида Тур (жадид) буржийде ўзаро яқинлашган вақтда тугилганлиги учун берилган. «Амир Темура Са. роимўлхонимни ўз никоҳига киритган, машҳур «Кўрагон» номини олишга мушарраф бўлади», дейлади Турғун Файзиовнинг «Соҳибқирон маликлар» мақоласида. Кўрагон сўзи мўғил тилидан ўзбек тилига ўтирилганда, кўвб деган маънони англатади. Мен юқоридики фикирни инкор этмаган ҳолда Кўрагон сўзи тўғрисида ўз фикрларимни баён этмоқчимман. Биринчидан, Кўрагон кўрадиган дегани эмасмикин? Чунки жаҳонгир ҳар бир жангужадал олдидан ўзлари билан доимо бирга олиб юрадиган муқаддас китобимиз Кўрагон қаримани очиб, ўша бетдаги оятни ўқиб, шу оят мазмуни бўйича иш қилганлар. Бу иш эса эл орасида китоб очиб, китоб кўриш дейилади. Иккинчидан, халқ орасида шундай ривоят юради: Амир Темура номоз ўқийётганларида қилбага юзлаб, ниат қилиб, Аллоҳу акбар деб, қўларини қулқ юмшоғига теккизаётганларида тебраниб-тебраниб, анча туриб қолар эканлар. Кейин кўл боғлаб намоз ўқишга киришарканлар. Ёшлик чоғларида оналари Тегина Бағмулда «она, одамлар Бағмуллоҳни шунчалки тез кўрадиларми, Аллоҳу акбар дейдилару, бирдан намоз ўқиб кетишсади. Мен эса икки-уч марта тебраниб, гўбур орасидан Кабатуллоҳни аран кўраман, деб сўраган эканлар. Мана шу ривоятнинг ўзи ҳам буюк Бобаклонимизнинг қайтарларида қалб кўзлари билан Кабатуллоҳни кўрганликларини учун кўрадиган — Кўрагон номи берилмадикикин! Буюк аждоғимиз ҳаётини ўрганаётган эканмиз, шу сингари саволларга жавоб топилмасиз лозим. Юқоридики фикрларим Балки қатодир. Билмадим. Ҳар қалай ҳақиқатини билмишга интилсак, ютказмаймиз. Абдулқасим ЯХШИМОВЕВ, Чирочик туманидаги 62-тўлик сиз ўрта мактаб илмий бўлим мудир.


Шахсий фикр

«АНОР»ДАН УМИДИМИЗ КАТТА


Шеърятга, мусиқага умуман санъатга ўч халқимиз. Бу нима тўғри келса, шунга ўқиб, эшитиб кетаваримиз дегани амас. Ҳар қалай, Навоийдек сўз мулкининг султони, Тўйчи ҳофиздек қўшиқ оламининг сардорлари яшаб ўтган юрт фарзандларимиз. Ўтган йили эстрада ёш хонадаларининг «Анор» телевизион кўрик-танловни ташкил этилганлиги кўнчликнинг кўнчлигидаги им бўлганди. Бу йил ҳам кўрик-танловнинг давом этаётганлиги таҳсинга сазовор. Ёш Бирок, қўнгда ойна жаҳон орқали намойиш этилган йилги концерт танловнинг бадийи савияси анча тушганлигини кўрсатди. Менимча, талабни кучайтириш лозим. Танлов ҳар ойда эмас, ўч ойда бир ўтказилса, яхши бўларди. Шунда ҳақиқий истеъодларни излаб топиш осон бўлади. Салим КОМИЛОВ, Жиззах шахри.

Муносабат

Холбим ТУРДИЕВА. Хи қўллайди уларни» дейилганда ўшанда. Бирок шу лойтгача мен бирор марта бундай воқеанинг гувоҳи бўлмадим, эшитмадим ҳам. Менинг ҳамсуҳбатларим хизмат қилаётган кутубхона Навоийнинг ҳамма асарлари мавжуд. Бу китобларни сўраб келиб, тополмай кетган китобхонининг ўзи бўлмаган шу лойтгача. «Баҳорнинг куздан қаршила» деб бежиз айтишмаган. Биз ҳам кечамизни билмасак, эртанини кўролмаймиз. Навоийни билмадиким, биз ҳам ўзимиздан жуда йироқмиз.



Мана шундай зор-зор йнглаб, мадорсизликдан ҳушдан оғай деб




Абдуқасим ТУРДИЕВА

1962 йили Самарқанд вилоятининг Қўшарот туманида туғилган. Тошкент техника дорилфунунини тугатган. Айни кунларда «Қалб кўзи» жаридаси бошқон вазифасида ишламоқда. қайта кўз очади: тараддуд ўрини ишонч эгалдайди, у шопади: — билман... Анави билан орангизда бўлган... Сен даҳшат ичуда ўрниндан отилиб турасан, шу заҳоти миллинда бир нима порлагандай отириб пайдо бўлади, ўч еган қўшқай жойингга қайтиб ўтириб қоласан, жонсиз. — Ҳўйинг, қўйинг... Бу... ке-чирилмайдиган... Сен бўзгинга тақилган тошдай бир нимани босиб туролмайсан ортин, ўқраб бошингни ёстиқча бурқаб олсан; елкаларинг силкиниб-силкиниб узоқ йнглайсан... (Давоми 4-бетда).

(Боши 1-бетда).

дав Анатоллий Николаевич орқали Лиана муваффақиятлар тилади.



Lillehammer 94

нидада ҳам даъвогарлик қилмоқда. Лиллехаммер мэри Аудум Трон шу ҳақда гапир...

ЛИЛЛЕХАММЕР ОСМОНИДА— ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОГИ!

либ ўз устидан ишларди.

— Хушбахтар эшитиб ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?

оёидан чангиси чиқиб кети...

Оқ Олимпияда 1998 йили Япониянинг Нагано шаҳрида бўлиб ўтади.

2002 йилда Оқ Олимпияда қайси шаҳарда ўтказилиши ҳозирча аниқ бўлмаса-да, ўз номзодларини кўйган шаҳар вакиллари ҳам шу ерда.

(Боши 3-бетда). Энтимиқ бошнинг кўтарар экансан, Қобилнинг ҳам (о, у нақадар ҳиссийин унга тез юқтирувчи қалб соҳиб эди)...



Абдуқамол ЙҮЛДОШЕВ

(ХИКОЯ)

ри кўнларда биринчи бор лабла-рингта оғир дардан тузалаётган беморнинг биллар-билмас та-бассуми қалқиди.

газета саҳифаламаётганда.

ДЕҲҚОНЛАР САФАРИ

АБДУРАҲМОН БОВОНИГ БОИЛИГИ

Самарқандлик нафақахўр Абдураҳмон Валиев шахсий кутубхонасида сақлалаётган нодир китоблардан 1200 жилдини...

Келгуси сонда: ЯҮЛ БЕРИГ «ТУРКИСТОН» КЕ. ЛЕТЕР

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ.

ЙҮЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Тошкент метрополитени Бош бошқармасида шанба ва якшанба кўнлари поездлар ҳаракати жадвали қайта кўриб чиқилди.

Жиззах шаҳри марказида янги савдо ўйи ва янги бозор иш бошлади. Савдо ўйининг майдони 600 квадрат метр жойини эгаллаган.

ШАҲАРЛИКЛАР УЧУН



Ундаги суратда кўриб турганингиз пойафзал буюмлари ва чиройли газмоллар Жиззах шаҳридаги «Зебо» акционерлик жамиятининг маҳсулотларирид.

супотларирид. «Зебо»нинг сотувчиси Зайнаб Зоқирова маҳсулотларини харидорларга таклиф қилмоқда.

ним қандай ишлашю, иш-ламлигини беш қўлдай аён. Шундангина ер ҳақиқий эгасини топди.

Имкониятимиз кўп, лекин...

Албатта, бир томони шунга бориб тақалади. Лекин бошқа жиҳати ҳам бор. Фермерларимизнинг техника, ёқилги ва бошқа жиҳозларга зориётгани бизга сир эмас.

ган одамга ҳеч қандай қар-шилик бўлмади, менмида. Шу ерда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Жойларда но-ҳақлиқлар бўлса, суд орган-ларига боришлари керак.

ТАХРИРИЯТ: хаталар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сийсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, кишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий беаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

— Яхши қиз... кечқурун хонангада бўлдинг...

О, тўхта, ёлвораман, илтижо қиламан, тўхта! Кетма, кетма оилаларга! Кетма...

Кета! Мен йиғлаяман, хўнграб йиғлаяман, мен кўз ёшларимни яширмайман, мен ҳеч кимдан уялмайман, мен тиз чўкаман, та-валло қиламан, иларингни ўпа-ман, ёлвораман: кетма! кетма! кетма!

Кетма, бегуноҳ фаришта... Мен сенга сизганиман, бегуноҳ фаришта...



«ЖОНИ» МЕДАЛЬ Лиллехаммерда ўтаётган Қишки олимпиядада Россия спортчиларни кўплаб медаллар кўлга киритмоқдалар. Кунни кеча ана бир медалга кўлга киритилди.

Узбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кўмитаси «Туркистон» газетаси, «Ёшлик», «Ёш куч», «Гуляна», «Йўналиш» журналлари жамояси «Гуляна» журналистнинг Бош муҳаррири, Узбекистон халқ шoirи Ойдин Хожиевага ораси